

Диний фундаментализм ва инсон ҳуқуқлари

Диний «фундаментализм» (вахоббийликка нисбатан ишлатиладиган атама) ҳаракатининг Марказий Осиёга, шу жумладан Ўзбекистон ҳудудига кириб келиши хусусида олимларимизда турли хил фикрлар мавжуд. Айрим олимлар бу ҳаракатнинг ҳудудимизга келишини XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида¹ деса, бошқалари ваҳҳобийлик ҳаракати, умуман диндаги фундаменталистик ҳаракат ундан анча олдин бошланган деган фикрлар мавжуд². Кейинги йилларда матбуотда эълон қилинган материаллардан диний фундаменталистик ғоялар бизнинг мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ва маънавий соҳада бошланган демократик жараёнлар билан боғлиқлигига асосланиб бу ҳаракатлар XX асрнинг 70-80- йилларида вужудга кела бошлаган деган фикр тез-тез учраб туради.

Диний фундаментализм, ҳусусан ваҳҳобийлик ҳаракатининг вужудга келиши тўғрисидаги олимларнинг фикрлари орасида жйддий бир-бирини инкор этувчи тамоиллар йўқ, албатта. Аммо шу нарса аёнки, исломдаги ваҳҳобийлик ҳаракати XVII асрда Саудия Арабистонида вужудга келиб, кейинги асрларда Афғонистон, Тожикистон ва Ўзбекистонга ўтиб келиши тарихи XX асрнинг иккинчи ярмига тўғри келади.

Олимларнинг фикрича, «фундаментализм» атамаси аслида XX асрда христиан «модернизм»нинг ривожига қарши вужудга келган ўзига хос христиан оқимига берилган номдир³. Фундаментализм атамаси биринчи бор 1908 йили АҚШ нинг Калифорния штати протестантлари тузган «Христиан динининг фундаментал тушунчалари конференцияси» да расмий қўлланган Ҳ.Кароматовнинг фикрича, конференциядан сўнг, яъни 1909 ва 1915 йиллар мобайнида бир гуруҳ Америка илоҳиётшунослари «Фундаментал (асослар): Ҳақиқатга шаҳодат келтириш» номли рисоалар нашр этиб, христиан динининг фундаментал назариялари нимани ташкил этишини изоҳлаб бердилар⁴. 1970 йилларга келиб, Ғарбда олимлар ислом давлатларидаги диний тикланиш ҳаракатларига нисбатан фундаментализм атамасини қўллай бошладилар.

XX асрнинг охирги чорагида Ўзбекистон ҳудудига кириб келган ваҳҳобийлар ҳаракатига нисбатан ҳам «фундаментализм» атамаси қўллана бошланди. Ваҳҳобийлик тарғиб қилган диний фундаментализм ғояси

¹ Қаралсин: Абдуллажонов Одилжон «Диний ақидапарастликнинг келиб чиқиши, моҳияти ва Ўзбекистонга кириб келиши» -Т.: Академия, 2000. –Б 83б.

² Қаралсин: Юсупов Э.Ю. «Исломий қадриятлар ва экстремизм» -Т.: 1999. Б-12,13.

³ Қаралсин: Кароматов Ҳ. «Фундаментализм ёхуд тўқликка шўхлик, ислом: бағрикенглик ва мутаассиблик» тўплам -Т:1998. Б-42, Ҳусниддинов Зухриддин. “Ислом ва диний экстремизм ғоялар кураши. Демократлаштириш ва ислом ҳуқуқлари” журнали. Т.: 1999. 3-4 сон –Б.53.

⁴ Қаралсин: Кароматов Ҳ. «Фундаментализм ёхуд тўқликка шўхлик, ислом: бағрикенглик ва мутаассиблик» тўплам -Т:1998. Б-42,

заминида қуйидаги мақсадлар ётади: илк ўрта асрларда шаклланган ислом ақидаларини мутлоклаштириш: мусулмон халқларининг миллий мероси, маънавий, ижтимоий қадриятларини қоралаш: исломни ягона ҳақиқий дин деб эълон қилиш; мусулмон халқларининг миллий мероси, маънавий, ижтимоий қадриятларини қоралаш; исломни ягона ҳақиқий дин деб тан олиш; ўрта асрлардаги Араб халифалигини тиклаш; жаҳонда ягона мусулмон давлатини барпо этиш каби турли ғаразли ишларни амалга оширишдан иборат. Бу йўлда улар экстремизм, терроризм усулларида фойдаланишни ҳам асос қилиб олдилар.

Экстремистик ҳаракатлар бошқа норасмий диний гуруҳлар ва ташкилотлар бўлиши «Ҳизбут-таҳрир ал-исломий» диний ташкилоти, «Ақромийлар диний-сиёсий ҳаракати», «Ҳизбуллоҳ», «Нурчи»лар жамоаси ва бошқаларда ҳам мавжуд. Булар, ўз фаолиятида чет эллик ҳомийларга суянадилар. Жумладан, «Мусулмон биродарлари» ташкилоти, Толибонлар ҳаракати, ал-Қоида ташкилоти ва бошқа диний ниқоб остида инсон ҳуқуқларини паймол қилувчи ҳаракатларга қўмаклашдилар. Бундай ҳаракат Марказий Осиёда мустақил давлатлар шакллангандан сўнг айниқса жонланди.

Диний фундаментализм ва экстремизм халқаро терроризм билан бирлашиб, турли мамлакатларда қурол-яроғ ва портловчи моддалар ишлатиб хунрезликларни амалга ошириш орқали бегуноҳ одамларнинг ҳаётдан кўз юмишига сабабчи бўлдилар. Масилан, 2000 йилда 30 мамлакатда 40 та, 2001 йилда эса 30 давлатда ҳарбий низо содир бўлган.¹ Бу хунрезликларнинг аксарияти миллий низолар ёки диний йўналишда келиб чиққан ноҳуш воқеалар, фуқаролик урушларидир. Фақат 2004 йилда Ўзбекистоннинг Бухоро вилояти ва Тошкент шаҳридаги март-апрел ойларидаги портлашлар, Шимолий Асетияда экстремист-бандитлар томонидан Беслан шаҳридаги мингдан ортиқ мактаб болалари, ўқитувчилари ва ота-оналар гаровга олиниши оқибатида улардан неча юзлаб кишиларни ҳаётдан кўз юмушига олиб келди. Бунга ўхшаш воқеаларни шу йили Италияда, Америкада, Испанияда, Россияда тез-тез содир бўлаётганлиги, Чеченистон, Фаластин, Исроил ва Ироқда эса деярлик ҳар куни диний экстремистлар ва халқаро террористлар томонидан портлашлар содир этилиб неча юзлаб бегуноҳ одамларни ўлимига сабабчи бўлаётгани сир эмас.

Бундай ёвузлик, хунрезлик, ваҳшиёна экстремистик ҳаракатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қабул қилган «Ислом ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»га тамомилан зиддир. Ушбу декларациянинг 29-модда 2-қисмида шундай дейилган: «Ҳар бир инсон ўз ҳуқуқлари ва эркинликларидан фойдаланишда ўзларининг ҳуқуқ ва эркинликларини демократик жамиятда етарли даражада бўлишининг ҳамда ҳурмат қилишини таъминлаш, ахлоқ, жамоат тартиби, умум фаравовлигининг одилона талабларини қондириш мақсадидагина қонунда белгиланган чеклашларга

¹ Қаралсин: Хусниддинов Зухриддин “Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик”// “Жамият ва дин журнали”. –Т.: 2003. 1-сон, -Б.10.

риоя этишлари керак».¹

Диний фундаментализм, ақидапарастлик ва уларнинг экстремистик ҳаракатлари ва амалиёти инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида белгиланган нормаларига нафақат оз бўлсада риоя қилиш, балки уларни писанд қилмай, давлатларнинг ички ва ташқи қонун-қоидаларини инобатга олмай ўз ғаразли ниятларини амалга оширишдан тоймаётирлар.

Ислом фундаметализмига асосланган экстремизм, унинг разил шакли ваҳҳобийлик виждон эркинлигигагина эмас, хатто Қуръон оятлари, ҳадис ривоятларига, шариат аҳкомларига фикҳ меъёрларига бутунлай тескари бўлган, сиёсий экстремизм билан ҳамнафас, ҳамкор ҳисоблаган разил оқимдир: мустақилликка озми-кўпми таҳдид солиб келаётган қонунбузарлар тўдасининг уюшмасидир.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг ратификация қилинган биринчи халқаро ҳужжат 1991 йил 30-сентябрда «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси» бўлди. Шу кундан бошлаб кўпмиллатли мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказлар тузилиб, (улар ҳозирги кунда юздан ортиқ) Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига доир тадбирларни кенг жорий қилиш билан шуғулланмоқдалар.

Мустақиллик йиллари инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга бағишланган халқаро ҳужжатлар ва қонунлар қабул қилиниб ҳаётга қайта тадбиқ қилинди. Шулардан бири «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» ги қонундир. Қонуннинг 3-моддасида «Виждон эркинлиги - фуқароларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслигидан иборат кафолатланган конституциявий ҳуқуқдир». Ушбу қонун мазмун-моҳияти билан 1948 йилда қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси» нинг 18-моддасига тўлиқ мосдир.

Ўзбекистон давлатининг виждон эркинлиги, дин ва миллий кадриятларга нисбатан қўлланган адолатли сиёсати туфайли ўзбек халқи ўз дини, эътиқоди, кадриятлари, маданий ва маънавий меросини тиклаш шарафига муяссар бўлди. Ҳозир Ўзбекистонда 16 та диний конфессия Адлия Вазирлиги рўйхатидан ўтган бўлиб унда 2224 диний ташкилот фаолият кўрсатиб келмоқда. Шундан 2049 ислом, 175 таси қолган 16 диний конфессияларга тегишли.

Ақидапарастлар, унинг бир кўриниши бўлган ваҳҳобийлар инсон ҳуқуқлари умумжаҳон нормаларига ва виждон эркинлиги қонун-қоидаларига қарши «соф» исломни тарғиб қилиш ва тиклаш баҳонасида мамлакатимиздаги мусулмонларнинг ҳуқуқларига тазйиқ ўтказмоқчи бўлдилар. Диний фундаментализмга асосланган экстремистик ҳаракатлар дастлабки пайтларда ички конфессионал, ҳудудий (регионал) характерга эга бўлиб, 90-йиллардан эътиборан глобал, яъни китаълараро миқёсга ўтиб, халқаро терроризм билан чатишиб кетди.

Ҳозирги вақтда диний экстремизм ва терроризмнинг жаҳон ҳалқлари

¹ Қаралсин: Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. 1948 йил 10 декабр. 29-модда. «Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари». –Т.: 1999. 2-сон. –Б.19.

ҳаётига ҳавф солувчи таҳдидини ҳисобга олиб, 2000 йилнинг бошларидаёқ халқаро терроризмга қарши курашувчи ташкилот тузилди. Диний экстремизм ва терроризмнинг таҳдиди ва инсон ҳуқуқларига қарши ҳаракатларни олдини олиш учун давлат раҳбарлари вақти-вақти билан Саммит, мажлислар ўтказиб турадилар. Жумладан, 2004 йил 16 сентябрда Қозоғистоннинг Остона шаҳрида: Россия, Украина, Белорусия, Қозоғистон ва Ўзбекистон раҳбарлари йиғилишиб, диний экстремистик ва террористик ҳаракатларининг ҳозирги аҳволи ва унга қарши курашиш чоралари ҳақида келишиб олдилар.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳар қандай чеклашлар, норасмий диний ҳаракатлардан ҳимоя қилиш, унинг Конституциясига асосланади: яъни, «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар қонун олдида тенгдирлар» (4-боб, 18-модда).

Умуман диндаги, хусусан ислом динидаги фундаментализмдан келиб чиқадиган таҳдидлар: терроризм, наркобизнес ва уюшган жиноятчиликка кўмаклашадиган, шунингдек бошқа ғараз мақсадларни кўзловчи диний ташкилотлар, оқимлар, секталар ва бошқаларнинг фаолияти ман этилади.¹

Диний фундаменталистик ғояларга асосланган диний уюшма ва ҳаракатлар томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинлигига қарши варақалар ва диний адабиётлар тайёрлаш ҳамда тарқатишга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига муайян моддалар киритилган. Жумладан, қастдан одам ўлдириш (97-модда): виждон эркинлигини бузиш (145-модда): жамоат ҳавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш (244-1-модда) ва бошқаларда ҳар бир инсон ҳуқуқларига зид ҳаракатлар даражасига қараб жавобгарлик белгиланган.

Демократик, ҳуқуқий ва фуқаролик жамияти қурилаётган мамлакатимизда инсон ҳуқуқларига қарши қаратилган ҳар қандай ҳаракатларни олдини олиш ва чорасини кўриш батафсил ишлаб чиқилган. Аммо инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ўсиб бориши муҳим аҳамият касб этади. Бу ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишининг асосий мезонларидан эканлигига эътибор қаратиб Президент Ислом Каримов шундай деган эдилар: «Инсон ҳуқуқлари ғояси Олий мажлис фаолиятида доимий ўрин эгаллаши керак. Ҳар қандай қонун, ҳаракат соҳасидан қатъий назар, ишлаб чиқиладиган ва муҳофама этиладиган пайтда инсоннинг асосий, бузилмас ҳуқуқларига қанчалик мос келишига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Ана шу тамойилларга оғишмай риоя этган ҳолдагина биз чин маънода ҳуқуқий, адолатпарвар давлат қуришга эриша оламиз»²

Хулоса қилиб айтганда, инсон ҳуқуқларини ҳимояси мустақил Ўзбекистоннинг Конституциясида ўз ифодасини топган бўлиб, бошқа қонун

¹ Қаралсин: «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун (қонуннинг 618-1 рақамли 1.05.1998 янги таҳрири), 5-модда.

² Қаралсин: «Қонун ҳимоясида» журнали. №3. –Т.:1999 й. 19-б.

ва қоидалар шунга асосланади. Диний фундаменталистик, ақидапарастлик, экстремистик ҳаракатларнинг мазмун ва даражасидан катъий назар улар инсон ҳуқуқларига қарши деб баҳоланади. Бундай ҳаракатларнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш фақат давлат органларинигина вазифаси бўлиб қолмасдан, балки кенг жамоатчиликнинг ҳам муқаддас бурчи бўлмоғи лозим.